

Угандалик ўқувчилар ўн минг доллар хайрия қилишди



17:27 / 22.02.2023 927

Туркия жумҳурияти бир неча йиллардан буён Африкадаги мусулмон мамлакатларида мактаблар бунёд этиб, болаларнинг таълим олишига кўмаклашиб келаётган эди.

Яқинда Туркияда содир бўлган кучли zilzila угандалик мактаб ўқувчиларини ҳам ташвишга солган. Шу муносабат билан ўқувчилар миннатдорлик сифатида хайрия тадбирларини ташкил этишди

Бошланғич мактаби раҳбари Булянку Жамил Вамбининг айтишича, мактаб ўқувчилари танаффусда тамадди қилиш учун мўлжалланган пулларини ихлос билан хайрия қилишган.

Ўқувчилар тўплаган маблағларнинг умумий миқдори 10 минг доллардан ошди, дея хабар беради Anadolu агентлиги.

Манба: MuslimShosh телеграм канали